Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 22 yanvar, seshanba
№ 9 (14500)

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Маълумки, шу йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси рефрендуми бўлиб ўтади. Унда республикамиз фуқаролари давлат бошқарувини такомиллаштириш, эртанги тараққиётимиз билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларга ўз муносабатларини билдирадилар.

Аввало, референдум ҳақида икки оғиз сўз. Референдум нима? Референдум — умумхалқ маслаҳатлашуви. Бунда халқ ўз тақдирига, ҳаётига оид муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этади. Айнан референдум халқ иродасини тўғридан-тўғри намоён этувчи восита сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Бир сўз билан айтганда, жамият аъзоларининг орзу-интилишлари референдумда намоён бўлади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб дунёнинг кўплаб мамлакатларида одат тусига кирган референдум давлат раҳбарларининг мақомига доир, давлатнинг у ёки бу ташкилотларга кириши каби энг муҳим масалаларни ҳал қилиб берган. Аввало, умумхалқ референдуми барқарор, осойишта мамлакатлардагина ўтказилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Анъанага кўра, парламент бир палатали ёки икки палатали бўлади. Айрим ҳоллардагина уч ва ундан кўп палатали парламентлар ҳам бўлган. Масалан, Жанубий Африка Республикасида ирқий мезонларга асосланган уч палатали парламент ҳаракат қилган. Собиқ социалистик Югославияда эса ҳар бир иттифоқдош республиканинг сонига қараб 6 палатали парламент ташкил қилинган эди.

Умуман олганда, жаҳон парламентаризми кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, илк бор Францияда пайдо бўлган парламент "Генерал штатлар" дейилган.

Давлат тузилишининг шакллари қандай бўлишидан қатъий назар, бугунги кунда демократик давлатларнинг кўпчилигида қонун чиқарувчи органлар икки палаталидир. XX асрнинг сўнгги ўн йилида умуммиллий қонун чиқарувчи органлардаги иккинчи палаталар сони 45 тадан 75 тагача ортди. Айни пайтда икки палатали парламентлар жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Парламент аслида "гапирмоқ" деган маънони англатади. Дунёдаги ҳар бир давлатда парламент икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчи ўринда парламент қонун чиқарувчи орган. Иккинчидан, бу вакиллик органи, яъни халқнинг парламентдаги-қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги вакилларининг органидир. Парламентнинг номи турли давлатларда турлича номланади. АҚШда юқори палата — Сенат ва қуйи палата Вакиллар палатасидан иборат парламент Конгресс, Россия Федерациясида Федерал Кенгаш ва Давлат Думасидан иборат федерал йиғин, Украинада Олий Рада, Польшада Сейм, Норвегияда Стортинг, Германияда Бундестак, Исроилда Кнессет, Мисрда Халқ йиғини деб аталади.

Кўп йиллар давомида айниқса, тоталитар тузум даврида икки палатали парламентлар фақат федератив давлатларга хос, унитар давлатларга керак эмас, деган фикр онгимизга сингдириб келинди. Аммо жуда кўп унитар давлатлар, жумладан, Италия, Франция каби тараққий этган давлатлар унитар бошқарувга эга бўлишига қарамай, икки палатали парламентга асосланган ҳолда иш юритади. Дунёдаги 22 та федератив давлатнинг 21 тасида икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Демак, икки палатали парламент фақат федератив давлатларгагина хос бўлган воқелик эмас.

Иккинчи хулоса шундан иборатки, икки палатали парламентнинг қандай афзалликлари бор?

Ўзбекистон ўз Истиқлолининг ўнинчи йилида ҳуқуқий давлат қуришда шундай бир катта тараққиётга эришдики, у қонун чиқарувчи жараённи демократлаштириш, эркинлаштириш, қонунларни янада мукаммалроқ ишлаб чиқариш учун икки палатали парламентга ўтиш лозим бўлмоқда, деб айта оламиз. Олий Мажлис истиқлол йилларида жуда катта вазифаларни бажарди. Авваламбор, бу парламент давлат мустақиллигини эълон қилди. Иккинчидан, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратди. Учинчидан, шу парламент Конституцияни қабул қилди. Ва умуман, ўн йил давомида амалга оширилган барча ўзгаришларнинг ҳуқуқий, қонуний асосларини яратди. Лекин, шу билан бирга, давлатчилик ҳам доимо тараққий этиб борувчи омилдир.

Азиз АКРОМОВ олган суратлар

Шундай экан, ҳозирги кунга келиб, биз икки палатали парламентга ўтиш учун барча объектив асосларга эгамиз.

Бундан ўн йил олдин бизда икки палатали парламентга ўтиш учун зарур шарт-шароитлар йўқ эди. Авваламбор, ўша вақтда икки палатали парламентни тузиш учун зарур бўлган кўппартиявийлик тизими йўқ эди. Мустабид тузум даврида аҳолининг аксарият қисми қонун чиқарувчи органга — парламентга ишонмасди. Чунки эски мустабид тузум даврида сайловлар муқобиллик асосида бўлмас, аксинча, битта ўрин учун бир кишининг номзоди қўйиларди. Учинчидан, ушбу доимий парламентда ишлайдиган мутахассисликка эга бўлган ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва сиёсатшунослар кам эди. Бўлса ҳам, бозор иқтисодига асосланган, демократик жамият қуриш мақсадини кўзлаб ишлай оладиган мутахассислар эмас, балки эски совет қонунлари асосида ишлайдиган кадрлар бор эди, холос. Тўртинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳокимият учун кураш васвасасида юрган турли хил мансабпараст, популист шахслар бор эдики, улар парламент орқали Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин эди. Вазият ўзгарди. Биринчидан, бизда кўппартиявийлик тизими шакланди, иккинчидан малакали юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар ишлайдиган янги профессионал парламентга ўтиш учун реал сиёсий шароитлар пишиб етилди. Агар 27 январь куни республикамиз фуқаролари икки палатали парламент тузилиши учун овоз берсалар парламент икки палатали тартибга ўтади. Ва бу ўзбек миллий давлатчилиги ривожланишидаги муҳим босқич бўлади.

Икки палатали парламентга ўтиш шу парламентнинг қуйи палатасини профессионал асосда ишловчи парламентга айлантиради. Демак, бу ўринда депутатлик бирор мансаб ёки қўшимча лавозим эмас, балки доимий ишлайдиган касбга айланади. Қуйи палатадаги депутатнинг иши фақат қонун чиқаришда иштирок этиш бўлади. Депутат бундан бошқа бирон мансаб ёки лавозимни эгалламайди. Юқори палата депутатлари эса қуйи палата таклиф этган қонунларни тасдиқлайдилар. Бу эса қонунлар сифати ошишига, уларнинг самарали бўлишига хизмат қилади. Парламентни тўлақонли ҳокимият тармоғига айлантиради. Парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди. Сифатли қонунлар қабул қилинганидан кейин бу ҳолат жамиятда қонунлар маданиятининг ошишига сабаб бўлади. Учинчидан, қуйи палатага сайловларда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан бўлган номзодларнинг рақобати кучайиб, кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига таъсир қилади. Тўртинчидан, қонунларни қабул қилишда халқ фикрини билиш даражаси ортади. Чунки қуйи палатада ишланган қонунлар юқори палатада яна бир текширувдан, муҳокамадан ўтиб, кейин тасдиқланади. Бешинчидан, парламентда депутатларнинг барча минтақадан, бу минтақанинг кичик ёки катта бўлишидан қатъий назар, тенг ўринларга эга бўлиши, айрим гуруҳлар манфаатини кўзловчи мукаммал бўлмаган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймайди. Ўз навбатида қонунлар қабул қилинишида минтақаларнинг таъсирини оширади, қабул қилинадиган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси янада кенгроқ намоён бўлади. Айтиш мумкинки, икки палатали профессионал парламентнинг шаклланиши жаҳон парламентаризми қонуниятларига ҳам мос келади.

Парламент ислоҳоти қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг кучайиши ва мустаҳкамланишига олиб келади. Бу кучайиш бошқа ҳокимият тизимлари, яъни ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг заифлашишига хизмат қилмаслиги даркор. Ижро этувчи бўғин ҳокимиятнинг барча тизимларини ўзаро ҳамкорликда самарали ишлашини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, биз бу ислоҳотларни бирор халқаро ташкилотга ёқиш ёки бирор демократик давлатга ўрнак бўлиш учун эмас, ўзимизнинг миллий давлатчилигимизни ривожлантириш, мамлакатимиз, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, ўтказаяпмиз. Бўлажак референдум ва парламент ислоҳоти Ўзбекистонда миллий давлатчилик анъаналарини ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим сиёсий тадбирдир.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИГА 4 КУН ҚОЛДИ

БИЗ РЕФЕРЕНДУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН КЕЛМОҚДАМИЗ, ДЕЙИШМОҚДА ЁШЛАР.

МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРГА

жойларда тайёргарлик қандай?

Ушбу саволга референдум ўтказиш бўйича Сурхондарё вилояти округ комиссияси раиси Отабек РАҲИМОВ жавоб беради

— Мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилгача узайтириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январда муҳим сиёсий тадбир — референдумга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилянти. Жумладан, Референдум ўтказиш бўйича Сурхондарё вилояти округ комиссиясида ишлар қизғин паллага кирди. Округ бўйича 599 та референдум участкалари тузилди. Ҳозир барча участкаларда таркиби 9 кишидан иборат комиссия ўз фаолиятини бошлаб юборган. **Вилоятимизда 893726 нафар фуқаро овоз бериши керак. Шулардан 17324 нафари эса 18 ёшга тўлган, биринчи бор ўзларининг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланаётган ёшлардир.** Референдумга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказишда кўмаклашиш учун барча шаҳар ва туманларда ташаббус гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳлар таркибига ҳуқуқшунослар, маҳалла фаоллари, ҳокимият вакиллари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари жалб қилинди. Айни пайтда, Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Денов ва бошқа туманларда минтақавий йиғилишлар ўтказилди. Бугунги кунда референдум участкаларида фуқаролар учун барча имкониятлар тайёрлаб қўйилди. Барча референдум участкалари телефон алоқалари, радиоалоқа воситалари ҳамда компьютерлар билан тўлиқ таъминланди. Сайлов участкаларига узрли сабабларга кўра кела олмайдиган кишиларнинг овоз беришларини тўлиқ таъминлаш учун барча ташкилий ишлар режалаштирилган.

Яна бир гап: референдумни вилоятимизда кўтаринки руҳда ўтказиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, вилоят касб-ҳунар бошқармаси, Термиз Давлат университети, вилоят Адлия бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот гуруҳини туздик.Бу гуруҳ асосан ёшлар ўртасида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, қишлоқларда референдумнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Ўйлайманки, бутун мамлакатимиздаги каби Сурхондарё вилоятида ҳам бўлажак муҳим сиёсий тадбир аъло даражада ўтади.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

«Kamolot» hududi

УЛКАН ИШЛАР АРАФАСИДА

Яқинда Гулистон шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти томонидан ташкил этилган "Болалар ҳуқуқлари халқаро Конвенцияси" бўйича семинар ва ташкилотнинг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан бораётган республикамизда ўз ҳуқуқини англашга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани бежиз эмас. Зеро, ўз ҳуқуқини яхши билган инсон жамиятда ўз ўрнини мустаҳкамлай олишини ҳатто бугунги кун ўқувчилари яхши билишади. Болалар ташкилоти томонидан ташкил этилган "Болалар ҳуқуқлари халқаро Конвенцияси" бўйича семинар-тренинг ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти туманлари Болалар ташкилоти раислари ҳамда мактаб етакчилари иштирокида ўтказилган семинар-тренингдан мақсад "Болалар ҳуқуқлари халқаро Конвенцияси" ҳақида маълумот беришдан иборат эди. Семинар давомида тингловчилар Конвенция мақсади ва мазмуни ҳақида тўлиқ тушунча олишди.

Ҳаракат ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари ҳамда Раёсат аъзолари Болалар ташкилоти фаолияти билан танишиш ва амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида Гулистон шаҳридаги 4-ва 9-ўрта мактабларда бўлдилар.

Айниқса, 9-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан тўгарак машғулотларида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари намойиш этган концерт дастури ва театр студияси ҳаваскорларининг "Шайтон тўри" спектакли йиғилганларда кучли таассурот уйғотди.

Раёсат йиғилишида қилинган ишларнинг сарҳисоби, қилинажак ишлар режаси муҳокамаси, ташкилотнинг 1-республика слётини ўтказиш, умумтаълим мактабларида "Меҳр-шафқат" клублари ташкил қилиш масалалари Раёсат аъзоларини беэътибор қолдирмади.

Ташкилот томонидан тузилиши режалаштирилаётган "Меҳр-шафқат" клуби азалий анъаналаримизнинг ўзига хос давоми десак, асло янглишмаймиз.

Келажак — бугундан бошланади, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам, инсон эртаси учун бугундан бошлаб қайғуриши, ҳаракат қилиши даркор. Бугунги битганимиз — бизнинг эртамиз бўлган ёш авлод тақдири учун бугундан масъулият сезиш, бугундан қайғуриш, бугундан амалий чораларни кўришни шиор қилиб олган ва бу йўлда тинмай изланаётган Болалар ташкилоти фаолиятидан бир шингил, холос. Улкан ишлар арафасида турган бу ташкилот ҳақида бундан-да салмоқли мақолалар ҳали кўплаб ёзилишига аминмиз.

Маъруф ТОШПЎЛАТОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Марказий Кенгаши матбуот котиби

ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!

БАРҚАРОРЛИГИМИЗ АСОСИ

Шу азиз Ватан, озод ва мустақил мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат, элат фарзанди Ўзбекистон байроғини боши узра мағрур кўтаради, Мадҳиясини фахр-ғурур билан куйлайди, тупроғини кўзига тўтиё билади. Ўз навбатида Конституциямиз, қонунларимиз ҳар бир фуқаро барча жиҳатлардан тенг эканлигини кафолатлайди, ҳимоя қилади.

Йўлбошчимиз илгари сурган миллий истиқлол ғояси асосида ҳам ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир ватандошларимизнинг тенг яшаши, эркин меҳнат қилиши, ўсиб-улғайиб камол топиши, бахт-саодатга эришишини таъминлаш мақсади ётади.

Бироқ, афсуски, орамизда миллий ғоя, миллий мафкура тушунчаларини тор маънода англаб, бир ёқлама талқин этишга уринувчилар ҳам учраб туради. Чунончи, улар Ўзбекистонда яшовчи жуда кўп миллат вакилларининг ҳам ўзига хос миллий урф-одатлари, тили, қадриятлари мавжуд, бинобарин ғоя, мафкура тушунчаларига миллийлик сўзи қўшилганда миллатларнинг астасекин қўшилиб кетишини назарда тутувчи сиёсат юзага келмайдими ёки миллий ғоя фақат ўзбеклар учун, деган фикр туғилмайдими, дея савол беришади.

Айтиш жоизки, авваламбор, бу ўринда миллий ва миллийлик тушунчасининг моҳияти давлатчилик нуқтаи назаридан ифодаланган. Масалан, АҚШ, Россия каби кўп миллатли мамлакатларда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштирувчи ва тартибга солувчи қонунлар билан биргаликда миллий ғоя концепцияси ҳам мавжуд. Бундай ҳолат давлатга номини берган миллатдан ташқари миллатларнинг ҳуқуқий ҳақларини чеклаш дегани эмас.

Маълумки, қатор мамлакатларда маданий-маърифий муассасаларга "миллий" атамаси берилган: миллий боғ, миллий театр, миллий музей ва ҳоказо. Яқинда Президентимиз Фармони билан Тошкентдаги ўзбек драма театрига "миллий театр" мақоми берилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Худди шунингдек, "миллий мафкура тушунчаси барча мамлакатларда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам кенг, теран маънода англашилади ва у давлатимиз барқарорлиги, халқимиз жипслигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш назарда тутилади. Президентимизнинг, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги керак, у халқ мафкураси доирасида амал қилиши мумкин, деган кўрсатмаларида бунинг туб моҳиятини аниқ-равшан ифодалаб берган. Масалан, ҳар бир давлат-мамлакатда турли хил партиялар, ижтимоий-сиёсий уюшмалар, диний ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин. Аммо бир партия, сиёсий уюшма ёки диний конфессиянинг ғояси, мафкуравий йўналиши давлатнинг умумий ғоя ва мафкураси даражасига айланмаслиги керак.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатимизда истиқомат қилиб Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлган ҳар бир кишини, унинг миллатидан, диний эътиқодидан қатъий назар, қалбида Ўзбекистон фуқаролиги ҳисси билан фахрланиш туйғусини уйғотишдан иборатдир. Бу ғоя кишилар қалбида холис ва беғараз уйғонишига эришиш, ғояни амалга оширгандан кейингина у мавжуд мафкурага айланиб йиллар, асрлар давомида Ўзбекистон фуқаролари — халқининг миллий мафкураси бўлиб, кишилар қалбига муҳрланди, турмуш тарзимиз, бутун фаолиятимиз давомида амал қилади.

(Давоми 2-бетда)

ЭШҚУЛ АМАКИНИНГ ЎҒЛИ ИНСТИТУТГА КИРДИ!

У таълим кредитидан фойдаланаяптими?

Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Ислом КАРИМОВ

Келажакни ўйлаб амалга оширилаётган ҳар битта тадбир фақат яхшилик ва адолат, тараққиёт учун хизмат қилмоғи лозим. Акс ҳолда, бундай тадбирлардан наф йўқ. Санасангиз, мустақилликка эришилгандан сўнг ёшларимизга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг саноғига етолмайсиз. Фан, саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, санъат, спорт, тадбиркорлик, ҳуқуқ ва диний масалаларни эркинлаштириш ва ривожлантириш борасида ўта жиддий чоралар амалда қўлланилмоқда. Бу, албатта, соҳаларнинг тез суратда ривожланишига салбий таъсир қиладиган жиҳатларни чегаралаб, уларнинг яхши томонларини кўпроқ ўсишига туртки бўлмоқда. Бундай янгиликлар ёшлар учун ҳам, катталар учун ҳам битмас-туганмас фойда келтираётганлиги шубҳасиздир. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги "Олий ўқув юртларида тўловконтракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори айниқса ёшларимиз учун аҳамиятли бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ҳукуматнинг талаба ёшларга нисбатан бундай ғамхўрлиги таҳсинга лойиқ. Биринчидан, бюджет ҳисобидан ўқиш учун бир, бир ярим, икки, уч ва ундан кўпроқ балл етмай қолган абитуриентлар ҳам таълим кредитидан фойдаланиб, бошқалар қатори талаба бўлиш бахтини қўлга киритдилар. Иккинчидан, ҳукуматнинг бу тадбири ёшларнинг, шу жумладан ота-оналарнинг ҳам келажакка бўлган ишончларини янада ортишига сабаб бўлди. Эндиликда ўрта мактабларда, коллеж ва лицейларда таълим олаётган ўқувчилар шуурида олий ўқув юртларига киролмаслиги шубҳасидан кўра, мен барибир ўқишга кираман, деган ҳис-туйғу шаклланди. Бироқ, шуниси борки, бу туйғу ёшларни дангасаликка, лоқайдликка олиб бормаслиги лозим. Бунинг учун, албатта, ўқитувчи ва ота-оналарнинг масъулияти каттадир.

Контракт-тўлов асосида ўқийдиган талабаларга таълим кредити берилишининг учинчи муҳим жиҳати шундаки, 2001 йилнинг кузидан бошлаб институт ва университетларда ўқишга нисбатан қизиқиш ўсди. Талабаларда яхши ўқисам, ўзим ҳам, ота-онам ҳам олган қарзимга қуймаймиз, деган фикр пайдо бўлди. Ушбу фикрнинг мағзини албатта интилиш ҳамда ҳаракат тўлдириб турганлиги рост.



Ва таъбир жоиз бўлса, шуни алоҳида таъкидламоқ шартки, ҳаётимизга таълим кредитининг жорий қилиниши институт ва университетларда кам бўлсада, учраб турадиган таниш-билишчилик, таъма ва порахўрликнинг илдизига болта урди.

Илгари олий ўқув юртларига кириш учун тўплаган умумий балларига ярим ёки бир бал етмаган абитуриентларнинг ота-онаси фарзандининг меҳнатларини қуйдирмаслик ҳамда вақтни беҳуда ўтказиб юбормаслик учун борбудини сотиб, домлаларнинг эшигини пойлаб ётганлиги ҳам бизга сир эмас. Ҳозир-чи? Ҳозир масала аксинча тус олди. Бюджет ҳисобидан ўқишга кириш учун етарли балл тўплай олмаган абитуриент шартта ўзи яшайдиган ҳудуддаги тижорат банкидан қонуний таълим кредитини олади, тамом-вассалом! Сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Шу баҳона кредит берган банк талабадан амалдаги 24 фоизли улушини олади, талабанинг ўзи эса тўрт йилдан сўнг дипломли бўлади. Жамиятда олий маълумотли мутахассислар тобора кўпайиб бораверади. Яна шуниси қувончлики, банкдан кредит олиб фарзандларини ўқитаётган ота-оналар эътиборлироқ, талабчанроқ бўлишади. Шу йўсинда олий маълумотга эга бўлган ёшлар-нинг билими кучли, дунёқараши тўлиқ шаклланган бўлади.

Ҳар қандай янгиликнинг ҳаётга жорий қилинишида дастлаб қийинчилик ва расмиятчиликнинг бўлиши табиий. Шу жумладан, таълим кредитини олиш масаласида ҳам ҳозирча турли хил тушунмовчилик ҳамда муаммолар учраб турибди. Хўш, аслида кредит беришнинг қонуний йўл-йўриқлари қандай? Шу саволга жавоб топиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимини излаш учун биз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассисларга мурожаат қилганимизда, улар қуйидагича ахборот беришди: контракт асосида олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳар битта талаба ўзи яшаб турган ҳудуддаги тижорат банкларидан таълим кредитини олиш ҳуқуқига эга. Кредит бакалаврлик даражаси учун ўқиётган талабаларга ўн йил, магистр даражасини хоҳловчиларга эса беш йил муддатга берилади. Шунингдек, иккинчи мутахассисликни олиш илинжида ўқишни давом эттираётганлар ҳам кредитдан фойдаланиши мумкин. Талаба учун тижорат банки маълум миқдордаги суммани кўчириб берган кундан бошлаб 24 фоиз миқдорда ўз улушини ола бошлайди. Ўқиш давомида ҳарбий хизматга кетганлар то қайтиб келгунга қадар банк улушидан озод қилинадилар.

Контракт асосида ўқийдиган қаровчисини йўқотганлар, "меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари, болаликдан I ва II гуруҳ ногирони бўлганлар 24 фоизли улушдан бутунлай, кам таъминланган оилалардан келиб чиққан талабалар эса унинг ярмидан озод қилинадилар. Бордию кредитга муҳтож талабалар ўзлари яшайдиган ҳудуддаги тижорат банклари билан келиша олмаса, юқори ташкилотларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши ва адолатни қарор топтириши амалда бор гап.

Шу кеча кундузда республикамиз бўйича жами 108 минг 787 нафар талаба олий ўқув юртларида контракт-тўлов асосида ўқимоқда. Шулардан 24 минг 878 нафарини биринчи курслар ташкил этади. Бакалаврлик даражасига эга бўлиш ниятида таҳсил олаётган 3076 ва магистратурада ўқиб келаётган 123 талаба таълим кредитидан фойдаланмоқда. Ана энди ўйлаб кўрайлик. Биринчи курсда таълим олаётган салкам 25 минг талабадан бор-йўғи 3076 нафари давлатдан таълим кредити олаётган бўлса, бу камми, кўп? Кам, албатта! Нега? Юқорида айтганимиздек, бу кам-кўстлар тушунмовчилик ва бир ёқлама фикрлашнинг оқибатларидир. Ушбу ҳолат, айниқса, вилоятларда кўпроқ кўзга ташланади. Кўпгина туманларда фаолият юритаётган тижорат банклари талабага 300 минг сўм кредит бериб, бор йўғи 72 минг сўм улуш (24 фоизи назарда тутилмоқда) олгандан кўра бошқа объектларга, жумладан, бой-бадавлат тадбиркорларга ёки "бели бақувват" фермерларга каттароқ миқдорда қарз бериб, кўпроқ фойда олишни афзал биладилар. Дарвоқе, уларнинг ўйлагани ҳам ёмон эмас. Ахир, банк фақат фойда билан тирик. Бироқ биз айни дамда нафақат иқтисодий фойдани, балки маънавий, маърифий "фойда"ни ҳам унутмаслигимиз керак. Қолаверса, таълим кредити беришни ҳукуматимизнинг ўзи ёқлаб чиқди. Унинг амалдаги ижроси ҳар биримиз учун қонунийдир.

Масаланинг яна бир ташвишли томони мавжудки, буни адолатли ҳал этмасдан мақсадга эришиш мушкул. Таълим кредити низомида ва банклар тўғрисидаги қонунларда таъкидланишича, кредит олаётганда томонлар ўртасида шартнома тузилади. Бунга мувофиқ кредит олувчи банкка қарзларини ўз вақтида узиш тўғрисида кафиллик бериши шарт. Бунга асосан унинг мол-мулки, уй-жойи ёки қимматли қоғозлари хатланади ва уларга нарх қўйилади. Натижада, қурбига яраша таълим кредити олиш имконияти туғилади. Баъзи ҳолларда хатлаш ва нархлаш борасида ҳам ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмоқдаки, кредит олувчининг гаровга тикаётган мол-мулки жуда паст нархда баҳоланади. Шу билан таълим кредити бермасликнинг сунъий баҳоналари важ қилинади. Ёки айрим мутасаддилар "сиздан униси, биздан буниси" дегандек иш тутиб, таъмагирлик қилишдан қайтмайдилар. Яна шундай вазиятлар ҳам учрайдики, контракт тўлов асосида ўқиётган талабаларнинг ўзлари ихтиёрий равишда кредит олишдан воз кечмоқдалар. Негаки, улар олинадиган умумий маблағнинг 24 фоизли улушини тўлашдан чўчимоқда. Ўқишни тугатгандан сўнг ҳам беш-олти йил мобайнида қарз тўлаш ташвишини ўзларига маъқул кўрмаяптилар. Қолаверса, институтларни битирган талабалар ўзларига маъқул ишни топишлари кафолатланмаган.

Ушбу масалаларга оид маълумот олиш учун Ўзбекистон Миллий Университетида суриштирув ўтказдик. Олинган натижалар, афсуски, бизни қониқтирмади. Шу кунларда университетда жами 5 минг 623 талаба контракт-тўлов асосида ўқишга қабул қилинган. Шундан 3 минг 596 нафар йигит-қизлар бакалавр (кундузги бўлимда) даражасини эгаллаш ниятидалар. Уларнинг фақатгина 155 нафари таълим кредитларини олган. Шунингдек, магистратура йўналишидагиларнинг 444 тасидан 19 таси кредит олишни ихтиёр этган. Контракт асосида ўқишга кирганларнинг аксарияти айни пайтларда кундузги бўлимдан сиртқига ўтишни лозим топмоқдалар. Айниқса, Хоразм ва Қорақалпоғистондан келган талабаларнинг бирортаси таълим кредитидан фойдаланмаган.

Таълим кредити низомида ота-онасизларга, "меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларига, болалигидан ногирон бўлганларга ҳамда кам таъминланган оилалардан талабаликка қабул қилинганларга маълум маънода имтиёз яратилганлигини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Афсуски, Миллий университетимизда мана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланган бирорта ҳам талабанинг йўқлиги кишини ажаблантиради. Аксарият талабалар шартнома пулини нақд тўлашни маъқул кўрмоқдалар. Ўша пулни оилавий бюджетдан тўлаб, қийналиб юргандан кўра, давлатдан вақтинча қарз олиб, тўлаган яхши эмасми?! Бизнингча, бу ўринда бошқача омил борга ўхшайди. Бугун контракт асосида институтни битирган йигит-қизлар эртага, турмушга чиқиши мумкин. Институтни битиргандан сўнг камини тўлдираётган иш билан таъминланишига ишонолмайди. Натижада, қарздан қутилиш муддати чўзилиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик таълим кредити олишдан ўзини тияди. Баъзан эса унинг йўлини тополмай, сарсон бўлишади.

...Камолот ва етуклик борасида етарли имкониятга эга бўлолмаган айрим кишилар "ўқишга кириш ҳам осон бўлиб қолди, давлатнинг ўзи қарз бериб, ўзи ўқитса... Эртага ҳамма жойни институтни битирган саводсизлар эгаллаб олиши аниқ" дея хом ўйлаши мумкин. Йўқ, бу нотўғри фикр. Одам ҳеч қачон ўзини ўзи алдаб яшолмайди. Шунингдек, ўзгаларни алдаш ҳам замоннинг қолипига сиғмайди. Бугун ҳаётга таълим кредити бериш жорий қилиндими бас, унинг ўзига хос тамойиллари, мантиқ ва адолат мезонлари ҳам яратилган. Буни ҳар бир талабанинг, ота-оналарнинг ўзи тўрт-беш йил ичида тўлиқ исботлайди. Ҳаётнинг мана шу ҳақиқати адолат ва яхшиликни тўлиқ кафолатлайди. Бу борада давлатимиз тутаётган йўл ҳам одил ва ҳаққонийдир. Фақат ундан ҳар биримиз ўз ўрнида фойдаланмоғимиз жоиз. Зеро, таълим кредитларини бериш бизда бошқа мамлакатлардагидан ижтимоий ҳимоя, имтиёзлилик ҳамда кенг қамровлилиги билан фарқланади.

Нормурод МУСОМОВ,
«Turkiston» мухбири

ЯГОНА ТИЗИМ САРИ

Мамлакатимизнинг таянч институтларидан бири бўлган Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги иштирокида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, педагогик таълимни жонлантириш, ўқув жараёнининг илмий-назарий, услубий асосларини ишлаб чиқиш, ўқув юртларининг моддий-техник таъминотини такомиллаштириш, малака ошириш тизимини қайта ишлаб чиқиш, ихтисосликлар бўйича табақалаштириш каби масалалар кўриб чиқилди.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бири педагоглар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашдан иборат. Зеро, жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёни мутахассис ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласини ҳам долзарб қилиб қўйди. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда муҳандис-педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг узлуксизлигини таъминлашда масофадан туриб ўқитиш усули муҳим аҳамият касб этади. Институтда ташкил этилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан компьютер тизими орқали боғланган. Барча талабаларимиз ўз соҳаларига тегишли бўлган маълумотларни эндиликда IBM технологиялари орқали билиб олишлари мумкин.

Эндиликда педагог ва муҳандис-педагогларимиз ҳам синов ҳамда маъруза матнлари топшириқларини компьютер орқали бажарадилар. Марказ кириш тестлари натижаларини аниқлагандан сўнг тингловчиларни тоифаларга бўлиб, малака ошириш курсидан ўтказади.

Шу пайтгача "бухгалтерия 1с", "кадрлар бўлими" ва шу каби автоматлаштирилган тизимлар мавжуд эди. У фақат институт фаолиятининг алоҳида қисмларинигина модуллаштирганди. Шу сабабли битта, ягона тизимда бирлаштириш институт ичида қоғозсиз ахборот узатиш, маълумот йиғиш, сақлаш ўзгаришлар тафсилотини тез орада барча бўлимларга етказиш, нафақат ҳисобларни тузишда, балки фаолиятни яхшилаш мақсадида муаммоларни ҳал этишнинг қулайроқ йўлларини топишга қаратилиши ҳамда маълумотлар махфийлигини қатъий сақлашни тартиблаштиради.

Низом АВЛИЁҚУЛОВ,
Бухоро Озиқ-овқат ва енгил санаоат технология институти ректори вазифасини бажарувчи

ЗАВОД ТУТУНИГА «ЯШИЛ ҚАЛҚОН»

Хабарингиз бор, Тожикистон Альюмин заводи мўриларидан чиқаётган заҳарли тутун - фтор гази кўп йиллардан буён сурхондарёликларни безовта қилиб келади. Республика ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг Сурхондарё вилояти бўйича инспекцияси ходими Ҳайдар Маҳмудов заводнинг заҳарли тутунига қарши ўзига хос кураш йўлини танлади.

Ҳайдар Маҳмудов кўп йиллар кўнглига тугиб юрган орзусини 1999 йили амалга оширди. "Ниҳол" хусусий фирмасини ташкил қилди. Боботоғ ўрмон хўжалиги ҳудудидан 3,5 гектар боғни ижарага олиб иш бошлади. У ерда қарағай, сарв, дафна, япон ипак дарахти ва бошқа ўнлаб ноёб турдаги кўчатларни етиштиришга киришди. Ўтган давр мобайнида ўн миллион сўмлик кўчат етиштирилди. "Ниҳол" фирмаси республика "Тез тиббий ёрдам" марказига 400 минг сўмлик, Шўрчи туман мактабларига 50 минг сўмлик, Усмон Дониёров номидаги ширкат хўжалигига ҳам 50 минг сўмлик ҳар хил кўчатни бепул берди. Фирма ноёб кўчатлар юбориб, Тошкент шаҳрини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга ҳам ҳисса қўшаяпти.

— Заҳарли газлар таъсирини фақат "яшил қалқон" яратиш орқали камайтириш мумкин, - деди Ҳайдар Маҳмудов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Агар мени қўллаб-қувватлаб туришса, келгуси йил яшил қалқон ҳудуди беш-олти баробар кенгаяди. Бу аҳоли саломатлигини тиклаш учун кетаётган миллионлаб сўмларни тежаб қолиш ва янги сиҳатгоҳлар очиш имконини беради.

«Туркистон-пресс»

БАРҚАРОРЛИГИМИЗ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз уқтирганларидек, миллий ғоямизнинг асосий мақсади шарқона, адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборатдир.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларнинг қадриятлари бири иккинчисини ижодий бойитган ҳолда ўзбек миллий қадриятлари призмаси орқали яқинлашиши мумкин, лекин ҳар қандай миллат миллат сифатида сақланиб қолади ва ривожланади. Мавжуд барча миллатлар Ўзбекистон фуқароси — халқи сифатида бирлашадилар, холос. Айрим уйдирмачилар лоф урганларидек, бир-бирига сингиб, қўшилиб йўқолиб кетмайдилар. Уларнинг миллатлараро ҳамжиҳатлиги юзага келади. Президентимиз ифодаси билан айтганда, бизнинг миллий ғоя ва мафкурамизнинг асл мақсадларидан бири ҳам шунга йўналтирилгандир. Буни кенг халқ оммаси ўртасида тўғри талқин ва ташвиқ қилиш мазкур холис мақсадимизни амалга оширишимизнинг асосий гаровидир. Бошқача талқин ва ғаразли уйдирмалардан халқимизни сақлаш ва уларнинг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиш, ким бўлишимиздан қатъий назар, барчамизнинг муқаддас вазифамиздир.

Диёримиз ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш ва уларнинг бир Ватан фарзандлари сифатидаги жипслигини мустаҳкамалаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг кўлами беқиёсдир. Буни биз Республика Байналмилал маданият маркази атрофига бирлашган миллий маданий марказлар олиб бораётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатимизда 136 миллат, элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшамоқда. Улар Ўзбекистон фуқаролари, бир Ватан фарзандлари сифатида бирлашганлар. Уларнинг ҳар бири ўз миллий-маданий урф-одатлари, анъаналари, тили, Конституциявий, ҳуқуқий тенглигига эга. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар борасидаги давлат сиёсатининг тўғри натижаси — эркин тараққиётимизнинг ҳосиласи сифатида бугунги кунда 122та миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда, шу йўналишда марказлар тузиш учун яна ўнга яқин ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда. Кўпчилик марказларнинг ўз тарихий ватанлари билан олиб бораётган алоқалари Ўзбекистон ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатаётир ва бу давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда сезиларли намоён бўлмоқда. Мустақиллик даврида республика миқёсидаги озарбайжон, грузин, немис, рус, турк, қозоқ, тожик, уйғур, араб, қирғиз марказларининг раҳбарлари, қардош миллатлар вакилларидан юзлаб муносиб кишилар Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига ижобий, тенг ҳуқуқли муносабат қонун билан мустаҳкамланганлигининг яна бир ёрқин исботи сифатида мактабларимизда тўққиз тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда яшаётган жамики миллат ва элатлар вакиллари маънавий-маърифий камол топишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар муҳайё этилган.

Айни пайтда, улар зиммасида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сингари ушбу табаррук Ватан, муқаддас замин равнақи учун ҳалол, фидокорона меҳнат қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш масъулияти бор.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **"...шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизни Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ"**-дир. Шу тамойилга амал қилган Ўзбекистондаги ҳар бир миллат, элат, этник гуруҳлар ўз миллий қадриятларини янада ривожлантириш имкониятига эга бўлган ҳолда Ўзбекистон давлатининг эркин фуқароси бўлишдай бахтга эришади.

Табиийки, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро аҳиллиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш миллий мафкуранинг энг асосий вазифаларидан биридир. Зеро, айрим кўпмиллатли давлатларда шу асосда анчайин ўткир муаммолар вужудга келиб турганлигини яхши биламиз. Бунга эса муайян ташқи таъсирлар ҳамда айрим ички камчиликлар сабаб бўлиши мумкин.

Чунончи, миллий мафкура амал қилиши, миллий ғоя шаклланиши жараёнига тўсқинлик қилувчи кучлардан бири ҳар қандай миллатнинг маънавий-ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларидан узилиб қолишидир. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳар қандай миллатнинг тарихий қадриятлари, миллий анъаналари эъзозланмоғи ҳамда изчил ривожлантириб борилмоғи шарт. Бу масаланинг бир жиҳати.

Иккинчи томондан, барча миллатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги маънавий-маърифий тарбияни узлуксиз, изчил йўлга қўйиш лозим. Бу борада анъанавий усуллар билан бир қаторда тарғиботнинг янгича, замонавий шаклларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, республикамизда бир кунда расмий йиғинлардан ташқари хонадон ва маҳаллаларда юзлаб, минглаб маросим ва тантаналар ўтади. Буларда ихтиёрий ва беихтиёрий аудиториялар — тингловчилар тўпланади. Кимдир биров эътиқод юзасидан, бошқа бирови инсонийлик бурчи, яна бошқаси кимнингдир, аниқроғи йиғилиш ташкилотчисининг юз-хотири юзасидан ташриф буюради. Булар орасида турли миллат вакиллари, аҳолининг турли табақасига мансуб кишилар, жумладан тарғиб қилинаётган мавзуни, мақсадни тушуниб-тушунмай тўғридан-тўғри қабул қилувчилар, оқибатини ўйламасдан уни тезроқ амалда синаб кўришга шошилувчилар, ҳар нарсага ишонувчилар, оддий халқ, олимлар, зиёлилар ва маълум бир йўналтирилган эзгу ёки ғаразли мақсадни кўнглига тугиб келганлар ҳам топилади. Хуллас, ранг-баранг очиқ аудитория. Йиғин ва маъруза, ташвиқот ва тарғиботлар савияси ҳам турлича. Тўйлар, амру маъруф, мушкулкушод, ақиқа-бешик тўйи, кишиларнинг туғилган кун-юбилейлари, марҳумларни эслаш маросимлари: дафн, йигирма, йил оши ва ҳакозолар шулар жумласидандир.

Эътибор берилса, буларнинг барчасида диний уламо вакиллари иштирок этиши бугунги кунда инкор қилиб бўлмайдиган воқеликдир. Табиийки, мазкур тантана ва маросимларда улар, хоҳлаймизми-йўқми, кишиларни асосан инсоф-диёнатга чорлаш баробарида ташвиқотга хос усуллардан фойдаланади. Диний соҳа вакилларининг халқимизни маънавиятга чорловчи улкан ишларини инкор қилиб бўлмайди, албатта. Яна бир жиҳати мавжудки, улар олиб бораётган ташвиқот ишларининг асоси муайян йўналишдан иборат. Ҳолбуки, бундай йиғинларнинг эзгу моҳиятини янада кенгайтириш, мазмунини янада теранлаштириш ва замон талабларига мослаштириш маърифий-маънавий жиҳатдан янада каттароқ самара бериши мумкин. Шу хусусдаги йиғин, ташвиқотларининг натижаларини сарҳисоб қилувчи социологик тадқиқотлар олиб борилса, унинг таҳлил сўнгида кўп нарсалар ойдинлашиши табиий. Шу асосда бугунги кун талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бу имкониятлар унумлироқ фойдаланиш, мазкур йўналишга янгича муносабат усулларини ишлаб чиқиш, уни янада ривожлантириш фойдадан холи эмас.

Кўриниб турибдики, миллий мафкура, миллий ғояни шакллантириш йўлидаги ишлар ғоят кенг миқёсга эга. Билдирилган мулоҳзалар бу борада денгиздан томчи, холос. Ушбу долзарб масала ечими барча олимлар, зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг биргаликдаги фаол ҳаракатига боғлиқ, албатта. Хуллас миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ислоҳотлар мазмунига мос келувчи янада самаралироқ йўлларни, имкониятларни топиш кўзлаган мақсадимиз: шарқона, адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатни қуришга хизмат қилишига аминмиз.

Ўрол АБИЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

ФУТБОЛ

ФИФА 2001 йил натижаларига кўра жаҳоннинг энг кучли жамоаларини эълон қилди.

1. Ливерпуль (Англия) — 358,0 очко.
2. Барселона (Испания) — 298,0 очко.
3. Бавария (Германия) — 292,0 очко.
4. Реал (Мадрид, Испания) — 272,0 очко.
5. Арсенал (Англия) — 259,0 очко.
6. Бока Хуниорс (Аргентина) — 246,0 очко.
7. Порту (Португалия) — 245,5 очко.
8. Галатасарой (Туркия) — 244,0 очко.
9. Депортиво (Испания) — 241,0 очко.
10. Валенсия (Испания) — 235,0 очко

«ҚИЗИЛ ШАЙТОНЛАР» ЯНА ҲУЖУМДА

Яқинда "Саутгемптон" устидан қозонилган навбатдаги ғалабадан сўнг "Манчестер Юнайтед" яна очколар сони бўйича Англия премьер-лигасида карвонбошиликни ўз қўлига олди. Рақиблар дарвозасига тўпларни "МЮ"дан голландиялик легионер Рууд Ван Нистелрой, Дэвид Бекхэм ва Уле Сульшерлар киритди. "Манчестер Юнайтед"нинг навбатдаги парвози жамоа мураббийси Алекс Фергюсоннинг истеъфога чиқиши ва Бекхэмнинг сотилиши ҳақидаги мунозараларга ҳозирча нуқта қўйди.

УСТОЗДАН ЎЗГАН ШОГИРД

"Формула-1" автопойга мусобақаларидаги Шумахерлар рақобатида ҳозирча Михаэлнинг қўли баланд келаётган бўлса-да, турмуш даражаси юқорилигига кўра, укаси Ральф устунликка эга. Бу масалага қизиққан немис нашри — "Бильд"нинг журналистлари ана шундай хулосага келишди. Ральф Австриядаги 15 хонали уйида хотини Кара ва ўғли Дэвид билан яшайди. Унинг уйидаги хоналар сони акасининг Швейцариядаги қасрига қараганда бешта кўпдир. Шунингдек, "Уильямс" жамоаси спортчисининг реактив самолёти нархи ҳам "Феррари" жамоасида қатнашиб, тўрт марта жаҳон чемпиони бўлган Михаэлникига қараганда, 1,9 миллион доллар қимматроқ.

Матбуотдаги хабарларга қараганда, Ральф яқинда қиймати 6,5 миллионлик яхта ҳам сотиб олиб, уни мукаммаллаштиришга яна бир неча ўн миллион сарфлаган. Бу "Элеганс-140" русумли яхта билан Атлантика океанини сузиб ўтиш мумкин. Кеманинг узунлиги 41 метр бўлиб, унда ўнлаб ҳашаматли хоналар мавжуд.

ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТЎЙМАС

Ўта оғир вазнли боксчилар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони Эвандер Холифильд жаҳон бокс ассоциацияси (ВБА)га мурожаат қилиб, ўзига Жон Руис ёки Кирк Жонсон билан жанг қилиш имконини беришларини сўраган. Мазкур сўров шу кунларда ассоциация президентига кўриб чиқиш учун жўнатилган.

Чемпионнинг оқловчилари билдиришича, собиқ ғолиб ҳис-туйғуларини жиловлай олмагани ва очкўзлиги сабабли норозилик билдирмоқда.

ФУТБОЛ — ИТАЛИЯ-1934: ҚИЗИҚАРЛИ РАҚАМЛАР

1. Бошқа ҳеч қайси жаҳон чемпионати бу биринчиликдаги каби қисқа муддатда тугамаган (15 кун) Учрашувлар шу қадар тиғиз қўйилганлигидан ҳар бир ишқибоз уларнинг ярминигина кўриш имконига эга бўлган, холос.
2. Жанубий Америкадаги икки жамоа Европага келишдан бош тортган. Аргентина ва Бразилия кучсиз таркибини жўнатган. Буюк Британиядаги тўртала миллий жамоа ҳам бу чемпионатда иштирок этмаган.
3. Футбол турихида биринчи ва охирги марта амалдаги чемпион — Уругвай терма жамоаси ўз шарафини ҳимоя қилишдан бош тортган.
4. 1934 йилдаги чемпионатда биринчи марта учинчи ўрин учун баҳс юритилган.
5. Италиялик Монти иккита жаҳон чемпионатида иштирок этиш шарафига муяссар бўлган.
6. Чорак финал ўйинидаги Италия-Испания учрашуви қайта ўтказилганида жароҳатлар ва чарчоқ туфайли майдонга бирданига 11 нафар ўйинчи туша олмаган.
7. 1934 йилдаги иккинчи жаҳон чемпионатида илк бор хет-триклар амалга оширилган. Уларнинг муаллифлари германиялик Конен ва чехиялик Неедлилардир.
8. Иккинчи жаҳон чемпионати ташкилотчиларга катта молиявий муваффақият келтирди. Уларнинг фойдаси 3,7 миллион лирни ташкил этиб, бу урушгача бўлган даврларда каттагина улуш эди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

Жаҳон ҳаёнлари

АФРИКА

Конгода Ньирагонго вулқонининг "уйғониши" натижасида 45 киши нобуд бўлди, 14 та аҳоли турар жойлари лава остида, 40 минг аҳоли эса уйсиз қолди. Вулқондан 10 км. узоқда жойлашган Гома шаҳри ҳам култепага айланди. Экспертларнинг айтишича, энди бу шаҳарни тиклаб бўлмайди. 300 минг аҳоли қўшни Руанда ҳудудига кўчирилди.Гуманитар ташкилотлар уларни озиқ-овқат билан таъминлаяпти. Узлуксиз давом этаётган ер силкинишлари ҳали-вери вулқоннинг тўхтамаслигига ишора, деб ҳисоблашяпти сейсмологлар. Шунга қарамай, лава оқими аста-секин пасайиб боряпти.

Конго Республикаси 25 йил олдин бундан ҳам даҳшатли вулқон "бало"сини бошдан кечирганди. 1977 йил 10 январда Ньирагонго вулқонининг отилиши натижасида атиги 30 минут ичида 2 минг киши ҳалок бўлган.

АФҒОНИСТОН

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги госпитали Афғонистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига топширилди. Кобулдаги бу госпиталда афғонларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Эндиликда у ерда россиялик ҳамкасблари қўлида малака оширган афғон мутахассислари ишлайди. Бундан ташқари, 8 ярим минг тонна юк ортилган машиналар карвони инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистонга етказилди.

БУЮК БРИТАНИЯ

"Верджин Атлантик" компаниясининг "БОИНГ-747" самолёти Буюк Британиядан АҚШ томон учаётганда, фавқулодда ҳодиса рўй берди. Самолёт океан устидан ўтаётганда, бир йўловчи ҳожатхона ойнасига совун билан "самолётда бомба бор", деб ёзилганини кўриб қолди. Бундан хабар топган учувчилар самолёт йўналишини ўзгартириб, уни Исландиянинг Рейкьявик аэропортига қўндирдилар. Пассажирлар эвакуация қилингач, самолёт диққат билан текширилди. Лекин бомба топилмади. Шунга қарамай, пассажирлар хавфсизлиги учун ушбу самолёт учиши қолдирилди.

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛАЁТГАН ШЕЪРЛАРГА БИР НИГОҲ

«ҚЎЗИНГИЗНИ БЕРИБ ТУРИНГ...»

Мустабид тузум шоирларни сунъий пардозчига айлантириб қўйган эди. Аслида ҳам шоир пардозчи. Аммо у пайтларда пардознинг зўрлигидан, сўзларнинг асл башарасини шоирларнинг ўзлари ҳам танимай қолдилар. Ҳатто қадамларини ҳам сўзларга ўзлари тортган тўғри чизикдан, эҳтиёткорлик билан ташлаш ўргатилган эдики, чизиқдан чиқса, қора дафтардан ўзгасига ярамай қоларди. Зийрак одамларга танилиб қолишдан хавфсираб, сўзларнинг ўзи ҳам зийраклашган ва шунинг учун сийраклашган эди.

Мустақилликнинг илк йилларида эса юзларидаги пардозини бирин-кетин ювиб бошлаган сўзлар кўзимизга касалманддек кўринди. Бу табиий ҳол эди, албатта.

Узоқ муддат оғир юк кўтариб турган одам юкини ерга қўйгач, мувозанатини йўқотиб қўйишидек гап эди бу. Бугунга келиб ҳислар табиий сўзлар билан ифодаланиб, табиий қабул қилинмоқда. Буни таҳририятимизга келаётган шеърлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, наманганлик ёш қаламкаш Баҳодир Файзуллаев ўз туйғуларини қуйидагича ифодалайди:

Юлдузлар кўзларим чўқийверсалар,
Лабга учуқ тошиб отаверса тонг...

Юлдузлар кўзларни чўқий олмайди, деманг. Акс ҳолда, табиийликдан юз бурган бўласиз. Бу — юракка катталик қилаётган ҳижроннинг ранги. Орзиқишнинг, изтиробнинг соф ранги — бу. Худди шу рангдаги сўзларни Беҳзод Фазлиддинов шеърларида ҳам учратамиз:

Ёлғизгинам, фариштага тенгликкинам,
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай.
Иккимизнинг дардимиз бир, мунгликкинам,
Кўзингизни бериб туринг йиғлаб олай.

Мисраларда юқоридан фарқли ўлароқ, самимийлик ташбеҳда эмас, оҳангда кўринади. Атайлаб сўз санъатини намойиш этишга интилиш йўқ. Зўраки сўзлардан йироқ, бири иккинчисини тўлдириб келувчи озод сатрлар.

Кейинги пайтларда бу эркинликни шаклда ҳам кўп учратяпмиз. Тўкилаётган ҳислар шеъриятнинг темир қолипларидан тошиб кетиши туфайли, ўзининг қофия эканини сездириб турувчи таъмагир қофиялардан йироқ, озод шакллар пайдо бўляпти.

Тошдан қанот ясаб судралаётган тан,
Ўзининг соясига ўзи ёлғондир.

Ушбу мисралар муаллифи Муножот Абдуллева шеърларининг яна бир эътиборга лойиқ томони шундаки, у ўзининг ботинига чуқур кириб боради ва моҳиятни ўзидан ахтаради.

Мактубида эндигина 14 ёшга кирганини таъкидлаб ўтган Умида Узоқованинг шеърларини ўқиганимда, катта шоирларимиздан бирининг "Шоирнинг ёши йўқ. Ёш шеърида бўлади", дегани ёдимга тушди. Яна шундай, ёшидан шеъри катта ижодкорлар сафига Зебунисо Тошпўлатовани ҳам қўшсак бўлади. Унинг шеърларида ватанпарварлик руҳи кучли. Ватанпарварлигида сохталик йўқ. У "Кабутар билан суҳбат" шеърида кабутар тилидан шундай дейди:

Осмонингдек йўқ осмон,
Ўлкангдек ўлка инсон.
Берма қарич ерингга,
Берсалар гар дунёни.

Сурхондарёлик Саломат Олтибоеванинг шеърларида эса кучли дард бор:

Оналарни кўрганимда тилимни тишлаб,
Ич этимни кемирган дарддан қақшаб қоламан

деб ёзади у дунёдан кўз юмган онасини эслаб. Дард кучли, аммо уни ифодалашда бироз тажриба ва билим етишмайди. Зеро, устозларимиз айтганларидек, истеъдоднинг-99 фоизи меҳнатдир. Биз буни фақат Саломат Олтибоевага эмас, таҳририятимизга шеър юборган Феруза Норбоева, Феруза Азимова, Баҳодир Ботиров, Шерзод Абдусаматов, Лазизжон Саидхўжаев, Бекзод Назаров, Зулфия Матёқубова ва бошқаларга ҳам айтмоқчимиз.

Биз ҳамиша ўзимиздан "баланд" одамларга ҳавас қиламиз ва улар каби бўлишга интиламиз. Бу яхши, албатта. Чунки тақлид қилмаганимизда икки оёқлаб юришни билмас эдик, гапиришни ўрганмас эдик. Биз буларнинг ҳаммасини ота-онамиздан ўрганиб, ўз оёқ-қўлимиз, ўз тилимиз, ўз ақлимиз билан бажарганмиз. Айтмоқчиманки, устозларга тақлид қилиб, аста-секин шаклланаётган ижодкорлар ҳам ўз услуби, ўз қалами, ўз овози билан янграб чиқса. Аммо, афсуски, катта шоирлар бадиий оламидан чиқиб кетолмай, уларнинг мисраларига ҳар жиҳатдан жуда яқин шеърлар "ясаб" қўяётган "ижодкор"лар ҳам йўқ эмас. Келинг, шундайлардан бирининг исмини айтмайман-у, ёзиб юборган шеърларидан парча келтирсам:

Биламан, дарахтдай қурисам агар,
Менинг ҳаётим, боғим қолмас ҳувиллаб.

Бу шубҳасиз, севимли шоиримиз Усмон Носирнинг ҳаммамизга маълум ва машҳур бўлган "Унутмас мени боғим" мисраси таъсирида ёзилган. Йўқ, мен "таъсирида" сўзини юмшатиброқ ишлатдим, тақлид қилиб ёзилган десам ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди.

Таҳририятимизга келаётган шеърларнинг яна бир томони шундаки, шоирликни орзу қилган кўпчиликнинг шеъридан кўра, тахаллуси залворлироқ ва ҳатто каттароқ. Ва яна таҳририятга шеър ёзиб юбораётган қоғоз ҳамда қоғозга туширилган ҳуснихатидан ҳам гўзалроқ. Бу шеърларни қўлига олган ҳар бир одам муаллифнинг тахаллусини хижжалаб ўқигунча қоғозлари ғижимланиб, ёзувлари чарчаб кетган бўлса керак, деб ўзимизни овутдик.

Яна бир гап. Ёш ижодкорлардан бири Пушкинга шеърларини келтириб, шу шеърларни ёзган эдим, ҳеч тиниш белгиларини қўёлмаяпман. Ўзингиз қўйиб газетага чиқариб юборарсиз, деган пайтда, "Мен шеър ёзиб берай, сен тиниш белгиларини қўйиб бер", деб жавоб берган экан шоир. Бундан келиб чиқадики, тиниш белгилари ҳам шеърнинг катта қисми ҳисобланади. Бизга келган аксарият шеърларда тиниш белгилари ноўрин қўйилган. Ҳатто сўзлар ноўрин ишлатилган, нотўғри ёзилган шеърларни ҳам учратамиз. Бу ҳам юқорида айтганимиздек, эътиборсизликнинг оқибати. Ана шу эътиборсизликдан қутулсак, умуман олганда, бугунги ёшлар шеъриятида кечаётган жараён одамда умид уйғотади. Йўналишларнинг хилма-хиллиги, шаклларнинг ранг-баранглиги эса ҳақиқий адабиётга хос белгидир.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Мисрнинг Ҳелван университети таклифига биноан яқинда Қоҳирада бўлиб қайтишди.

Ҳелван университети Миср Араб Республикасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлибгина қолмай, у йирик илмий тадқиқот маркази ҳамдир. Университетнинг 18 факультетида турли ихтисосликлар бўйича 110 мингга яқин талаба таҳсил олади. Бир неча йилдирки, Ҳелван университети республикамизнинг илмий ва таълим муассасалари, хусусан, Ўзбекистан Бадиий академияси Миллий рассомлик ва дизайн институти билан яқин ҳамкорлик қилиб келади.

Айтиш жоизки, ўзбекистонлик олимларнинг сафари фойдали мулоқотларга бой бўлди. Ҳелван университети раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илмий материаллар, ахборот алмашиш соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, талаба, мутахассис ва ўқитувчиларнинг малака оширишлари борасидаги алоқаларни уюштириш билан боғлиқ масалалар муҳокамаларнинг асосий мавзуи бўлди.

Сафар доирасида Ҳелван университетида Ўзбекистон Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг амалий ва тасвирий санъат намуналари кўргазмаси очилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга, халқларимизни бир- бирига янада яқинлаштириш, ўзаро самимият руҳини яратиш, икки олий ўқув юрти ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга ҳисса қўшган тўрт нафар мисрлик олимга Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг фахрий профессори дипломлари топширилди. Тадбир сўнггида ўзбекистонлик олимларнинг «Ўзбекистон маданиятининг тарихи ва ҳозирги куни», «Ўзбекистоннинг тасвирий санъати» мавзуидаги маърузалари тингланди. Улар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Б.ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА.
Қоҳира

QILMISH-QIDIRMISH

Жуфти ҳалолига тан жароҳати етказди

ТОШБАҒИР ОТА

Сайхунобод туманининг Бўстон ширкат уюшмасида яшаган Шерали Тулешев фойдали меҳнат билан шуғулланишга кўника олмади. Спиртли ичимлик ичишга ружу қўйиш, вояга етмаган фарзандлари тақдири билан ҳисоблашмаслик оқибатида ёмон йўлга кириб қолди.

У 2000 йили Сайхунобод туманининг Бўстон ширкат уюшмасида ишчи бўлиб ишлай бошлади. Аммо қилмишидан ўзига ижобий хулоса чиқармаган бемеҳр эр, тошбағир ота яна хурмача қилиқларини давом эттиришдан ўзини тия олмади. Шерали Тулешев кечаси тахминан соат 24ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда рафиқаси Гулзайнаб билан жанжаллашиб қолади. Охир-оқибат уриб, тепкилаб тан жароҳати етказади. Натижада, Гулзайнаб касалхонага тушади. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас зўравон эр яна тан жароҳати етказади, Гулзайнаб эса, яна касалхонада даволанишга мажбур бўлади.

Суд Шерали Тулешевга нисбатан уни оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги прокурорнинг даъво аризасини рад этишни лозим топди. Негаки, Шералининг ҳаракатлари фақат турмуш ўртоғига қаратилган. Бунинг устига Шерали Тулешев оталик ҳуқуқидан ўзини маҳрум этмасликларини сўраб судга ариза берганлиги ҳам инобатга олинди. Қилмиш-қидирмиш дейилганидек, суд Шерали Тулешевга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Мирзо ПАРДАЕВ,
Сайхунобод тумани суди раиси.
Эркин САИДОВ,
«Turkiston» мухбири

ҲАЙРАТ ОҲАНГЛАРИ

«Turkiston» Ҳаҳвахонаси

Ортиқали ҚОЗОҚОВ — рассом. Тошкент Давлат Санъатшунослик институтини тамомлаган. Ўзбекистон ва хорижда 20 дан ортиқ кўргазмалари намойиш этилган.

Шамолларнинг мастона рақси, сувларнинг мармар ранги қалб кўзидаги уйқуни учириб юборади. Оёқларинг асрлар тошига урилиб, товонларинг қонаб кетади. "Камолиддин Беҳзод" ҳузурига борганда. Унинг пойидаги тошларда қотган қон излари... "Буюк Ипак йўли бўйлаб" боракан-сан, тарих ғилдирагининг залвори кифтингдан босади. Дақиқаларнинг яхши кунларга айланганидан башорат қилади.

— Асарларингизда кўнглингиздан кечирган, ўтказган барча орзу-умидларингиз ўз рўёбини, аксини топгандек, назаримда. Уларда акс этмаган армонларингиз ҳам борми?

— Мен институтнинг рангтасвир бўлимида таҳсил олганман. Нимани қандай кўриб турган бўлсак, ўшандай тасвирлашга ўрганганмиз. Аммо кўнглим тубида чўкиб, ўз ифодасини тополмаган орзуларим ҳам йўқ эмасди. Қуллик занжирларини кўзга кўринтирмай, қайсидир образлар, штрихлар орқали бадиий ифодасини беришга ҳаракат қилган пайтларим кўп бўлган. Мустақиллик мендаги имкониятлар йўлини очиб юборди. Ўзбекистон Миллий университети санъат саройида "Истиқлол илҳомлари" номли кўргазмада элликдан ортиқ асарларим намойиш этилди.



Ортиқали Қозоқов асарларида кеча ва бугун учрашади. Гўзалликка талпинган аёл "Наврўз" қиёфасида тасвирланган. Уч опа-сингил. Кенжа қизнинг нигоҳлари журъат билан очилган бойчечакда. Наврўз истиқлол боис ўзимизга қайтган Янги кун. Унинг ҳар бир тонги юракда чечаклар ундиради. Ҳаёт бағишлайди.

— Санъатлар ичида рангтасвир санъатининг ҳам ўз ўрни бор, — дейди муссаввир. — Бироқ, қўшиқчилик ёки спорт сингари кенг тарғиб этилмаган. Ахир, маънавият булоқлари жуда қадимдан кўз очган мўйқалам сеҳри, оҳанги билан сингишиб, яхлит санъат дарахтининг битта илдизига айланиб кетган.

Яна рассом ижодига қайтамиз. "Икки уста" асари. Усталарнинг бири тўлин ой кўксига қадаш учун камон, найза ясади. Бири ой кўнглига ором бағишловчи тор. Ой сенинг ҳам, менинг ҳам кўнглимиз бўлиши мумкин-ку. Ўртада жарлик. Яна мушоҳада, фикрлашга ундайди мусаввир асарлари. "Ватан ҳақидаги қўшиқ"да ҳилолнинг кўнгли синиқ. Айрилиқ рамзи бу. Йигит юрагида, қулоқлари остида Ватан оҳанглари билан жангга кетмоқчи. Мусаввир асарларида тарих, Ватан, аёл, истиқлол мавзулари етакчилик қилади. Ранглар, рамзлар, ҳатто Ортиқали Қозоқовнинг ўзи ҳам шунга хизмат қилади.

— Ижодкор ўзини ўзи инкор этиб туриши ҳам лозим. Шундагина унда ўсиш ва ўсиш учун замин ҳозирланади. Санъатда қўрқмай, дадиллик билан ҳаракат қилиш керак.



Рассом буларни гапираркан, кўзлари олисларни кезинади. Мусаввир ижодини кузатганимда, чуқур фалсафий мушоҳалалардан ташқари кучли лиризмни ҳис этаман. Мовий осмон. Анор гуллари. Учаётган қушлар. Мусаввир ижодининг ажралиб турган қирраси шундаки, у аёл образи орқали азалий анъана ва қадриятларимизни акс эттиришга чоғланади. Аёл воситасида ўз кечинмаларини ифодалашга интилади ва бунга эришади ҳам.

Дилором ИСМОИЛОВА

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда "Қарияларни ҳамиша ардоқлаймиз" мавзуида анжуман ва кўргазма ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамкорлигида «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» танловини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

— Бундан мақсад қарияларимизни эъзозлаб, уларни жамоатчилик ишларига янада кенгроқ жалб қилишдир - дейди уюшма бошқаруви раиси Исфандиёр ЛАТИПОВ.

Шаҳло ҲОШИМОВА

ҒАЛАТИ «БИЗНЕС»

У кечаю кундуз обрў қозониш ҳақида ўйларди. Ҳар доим эътиборда бўлишга ҳаракат қилар, назардан четда қолмаслик учун қўлидан келганини аямасди. Ниҳоят ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди. Энди у шеър ёзади. Ахир шоирларнинг обрўси баланд-ку! Ёзилган шеър остига битилган исм билан эса (яъни унинг исми билан) шеърларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилади. У бундан завқланиб, янада гўзалроқ шеърлар ёзаверади.

Бора-бора улар сандиққа сиғмай қолди шекилли, тайёргина китоб ҳолига келди-қўйди. Ҳамма унга ҳавас кўзи билан қарайди. Обрўсига обрў қўшилмоқда. Ўзининг қувончи чексиз. Ҳаётидан мамнун...

Ёлғоннинг умри қисқа деганларидек, бу "бизнес" дан унинг ўртоғи хабардор бўлиб қолди. Ўртоғининг унга бўлган ҳурмати хазон бўлган япроқ сингари бир онда тўкилди-ю, учиб кетди.

Воқеа аслида шундай содир бўлган эди:

Байрам арафаси. Тўйга тўёна билан деганларидек, байрамга ҳам бирон нарса тайёрлаш керак. Дўстлари унга маълум бир мавзуни бериб, янги шеър ёзишни илтимос қилишди. У "хўп" деди-ю, сўнгра нима қилишини ўйлай бошлади. Хаёллар оғушида уй остонасини ҳатлаб ўтгач, ойисига дўстларининг илтимосини айтди:

— Ойи, шеър ёзар эканман. Байрам бўлар экан, дўстларим илтимос қилишди.

— Бўпти, хавотир олма! Ҳали "дода" шеър ёзиб борасан. Эртага тайёр бўлади.

Ойисининг сўзлари унга мойдек ёқиб тушди. Бўлди, бу ҳақда ўйламаса ҳам бўлади. Бир ташвиши ортга чекинди.

Хуллас, шеър ҳам тайёр бўлди. Байрам бинойидеккина ўтди. У ҳам хурсанд, дўстлари ҳам.

Лекин бир куни ўзи билмаган ҳолда, ўша дўстига бизнеси ҳақида гуллаб қўйди. Яхшиям дўсти инсофли экан, буни сир сақлади. Ҳеч кимга оғиз очмади. Лекин ўша кундан бошлаб дўстининг ҳаловати йўқолди. Уни ичичидан бир нарса тирнарди. У ўзгалар томонидан ёзилган шеърларнинг тақдирига ачинарди. Баъзида тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Лекин қўлидан ҳеч нарса келмасди, ҳеч нарса...

Зебинисо ИСАНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

SHUNAQASI HAM BO`LADI

ЁЗУВЛИ БУҚАЧА

Ёхуд Пойариқ туманидаги Дарвишиқ қишлоғида юз берган ғалати воқеа хусусида

Ўтган йилнинг баҳори, Собир Тўйчиев Ҳаж сафарига отланган кезлар эди. Бу пайтда унинг ҳовлисида иккита сигири, ҳадемай бузоқлайдиган. Собир ака Ҳажга жўнаш олдидан қавм-қариндошларини хонадонига тўплаб:

— Зиёратдан қайтгунимча сигирларимдан қай бири буқача туғса, шуни икки ёшга тўлганида Аллоҳ йўлига садақа қиламан, — деди. Кутилганидек, зиёратда юрган пайтда иккала сигири ҳам туғди. Хотини Ҳалима хола янги туғилган буқачани авайлаб четга оларкан, буқача қорнида қандайдир ёзув борлигини пайқаб қолди. Тиббиёт институтида ўқиётган ўғли Нодиржон ёзувни ўқиб, араб имлосида битилган "Аллоҳ" сўзи эканлигини айтди. Уй эгалари ҳам, қариндошу қўшнилар ҳам бундан лолу ҳайрон қолишди.

Буқача кунлар ўтиб, икки ёшга тўлди. Ниятни амалга ошириш пайти яқинлашганда қўшни қишлоқдан келган Мамаризохон эшон бу мўъжизани Аллоҳнинг иноятн, деб таърифлади ва буқачани қурбон ҳайити кунида сўйиб, ақиқа қилишга фотиҳа берди.

Содиқ НАМОЗОВ,
«Turkiston» мухбири

ЗЕҲНИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Ўқитувчилардан бирининг синфда пули йўқолиб қолди. Пулни фақат 5 та ўқувчидан бири олиши мумкин. Лола, Дилшод, Даврон, Темур ва Мадина. Болалар сўроқ қилинганда уларнинг ҳар бири учтадан кўрсатма берди:

Лола: 1) мен пулни олганим йўқ; 2) мен ҳеч қачон ўғирлик қилмаганман; 3) бу ишни Темур қилди.

Дилшод: 4) мен пулни олганим йўқ; 5) менинг дадам кўп пул топади ва менинг ўз пулларим бор; 6) ишни ким қилганини Мадина билади.

Даврон: 7) мен пулни олганим йўқ; 8) Мадинани мен мактабга киришдан олдин танимас эдим; 9) бу ишни Темур қилди.

Темур: 10) мен айбдор эмасман; 11) бу ишни Мадина қилган; 12) Лола мени пулни олган деб ёлғон айтяпти.

Мадина: 13) мен пулни олганим йўқ; 14) бу ишда Дилшод айбдор; 15) Даврон мени яхши билади ва менга кафил бўлиши мумкин.

Ўқувчилар берган ҳар учта кўрсатманинг биттаси ноўрин ва иккитаси тўғри. Ўқувчиларнинг қайси бири пулни олган?

Жавобларингизни кутиб қоламиз

«TURKISTON» QALDIRG`OCHLARI

АТИРЛАР ШАҲРИ

Нимсариқ матодан дуррача ўраб,
Қарагин, ўртоқжон, жийда гуллабди.
Шохига кумушдан баргчалар тақиб,
Оламни муаттар ҳидга белабди.

Шамолда тебранар гулкосалари,
Елларга сирлашар гулшодалари.
Ҳидига маст қилиб жумла жаҳонни,
Қарагин, ўртоқжон, жийда гуллабди.

Шохлари кийикнинг шохига ўхшар,
Барглари фаришта сочига ўхшар.
Кел, ўртоқжон, тагидан ўтгин,
Жийдазор атирлар шаҳрига ўхшар.

Феруза ПАРПИЕВА,
Бухоро вилоятидаги 1-академик лицей ўқувчиси

SOYA JANGCHILARI

Қора ниқоблилар кимлар?

"Ниндзялар тўғрисидаги фильмларни ҳар кўрганимда ҳайратим ошаверади. Умуман, қора кийинган бу устомон кишилар афсонами ёки ҳақиқат? Шу ҳақда маълумот беришларингизни сўрайман.

Ҳусниддин ДАДАМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳри"

СИРЛИ САНЪАТ СОҲИБЛАРИ

Бошдан-оёқ қора кийинган одам тунда маълум объектдаги бинога кириб келди-да, хона эшигини овозсиз очиб, ичкарига кирди. Қоронғулик унинг ишини қийинлаштирмасди. Чунки, унинг кўзлари ўткир эди. Стол тортмасидан керакли ҳужжатларни олиб изига қайтди. Воқеа икки дақиқада содир бўлганди. Атрофни қуршаб олган қоровуллар унинг "ташрифи"дан бехабар қолишди. Тонгда эса бино бўйлаб шовқин-сурон кўтарилди...

Ниндзюцу қадимий япон жосуслик санъати ҳисобланиб, ҳозирги кунга қадар ривожланиб келган. Бу каби сирли жанговар санъат бўлмаса керак. Ниндзя нафақат ўз вужуди ва ақлини, қолаверса, атрофдагиларнинг руҳиятига ҳам таъсир кўрсата олади.

Бу санъатнинг дастлаб қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо бундай махсус тайёрланган одамлар ҳарбий ва сиёсий мақсадларда фойдаланилгани эрамиздан аввалги VI асрга оид "Сун Цзи" номли Хитой фалсафий асарида ёзилган. Японияда эса ниндзяларни "қора ниқоблилар", "кўринмас одам", "соя жангчилари" каби атамалар билан ифодалашган.

Ниндзялардан асосан пул топиш учун фойдаланилган. Улар олис ўрмон ва тоғларда яшаганлар. Эндигина туғилган чақалоқдан ниндзялар тайёрлаш мумкин бўлган. Масалан, беланчакни деворга томон тебратишган ва бола аста-секин эҳтиёт бўлишга ўрганган. Кейин уни ерга ўтқазиб, устига анча оғир шар думалатишган, натижада бола шарга тўсиқ қўйишга мажбур бўлган. Бола бир ярим ёшга кирганда уни сузишга ўргатишган. У юришдан аввал сузишни ўзлаштирган. Бўлажак ниндзялар отда юриш, тиканли бута ёки салгина ўтмаслаштирилган қилич устидан сакраш, танаси силлиқ дарахтларга чиқиш, узоқ масофаларга югуришни машқ қилганлар. Тез ва товушсиз қадам ташлаб, баланд осилган таёқ ҳамда арқонда мураккаб акробатик машқларни бажарганлар. Устозлар эса уларни ҳар қандай ҳавода яланғоч юриш, қорда ухлаш, бир неча кунлаб очлик, сувсизликка чидаш, тим қоронғуда кундузгидай кўришга мажбур этишган. Бундай сабоқлардан сўнг ниндзялар бир неча кунлаб сувда, соатлаб қуруқликда тошдай қотиб турганлар. Уларнинг қўли мушт туширган пайтда бир неча сантиметрга узайган, ҳатто бўйлари чўзилган. Ниндзялар бир қарашда жой тузилиши ва ҳужжатларни ёдда тутиб, қудуққа ташлаган тош овозидан унинг чуқурлиги, камон ўқи товушидан қанча масофадан отилгани, олинаётган нафасдан эса одамнинг жинсини тўғри аниқлаганлар.

Ниндзялар сабоқнинг энг охирида руҳий тайёргарликдан ўтишган. Жумладан, улар бир-бирларига қарама-қарши ўтириб, нигоҳларини тўқнаштирганлар ва рақиб тўлқинига мослашиб, руҳиятига киришга уринганлар.

Тайёргарлик шогирднинг 15 ёшида ниҳоясига етган. Унга шахсий қурол ҳамда шаклсиз қора ёпинғич, яъни ниқоб тақдим этилган. Уларнинг ҳаёти машқ, хавф-хатар, доим жангга тайёр туриш билан ўтган.

Аслини олганда, ниндзялар одатдаги жанглардан қочганлар, уларнинг вазифаси муҳим ҳужжатларни ўғирлаш, князь, ҳарбий қўмондонларни ўлдириш, зарур, махфий суҳбатларни эшитиб, етказишдан иборат бўлган. Бироқ, ниндзялар жангга киришса мағлуб бўлмаган. Маълумотларга кўра, битта ниндзя 20 нафар пухта тайёрланган жангчига бас келган. Мабода у асирга тушиб қолса, ундан бирорта ҳам гап ололмаганлар, у оғир қийноқлар остида мардларча ҳалок бўлган.

Ҳозирда махсус ниндзялар мактаби Японияниг Мае префектурасида мавжуд бўлиб, бундан ташқари Халқаро ниндзюцу федерацияси ҳам ташкил этилган. Унинг аъзолари эса айни пайтда фильмларда энг эпчил, энг чаққон ниндзялар ролини ўйнашади, холос.

Зиёда АШУРОВА,
тайёрлади



Азиз АКРОМОВ олган сурат

РАНГЛАР ЖИЛОСИ — ҚАЛБ ОЙНАСИ

Ҳар бир инсон ранглар орасидан фақат ўзига ёққанини танлайди. Унинг кийган кийими, машинаси, уйидаги жиҳозлар рангига қараб инсон хулқ-атворини билиб олиш мумкин. Психологларнинг фикрича, "совуқ" ранглар (кўк, яшил ва улар аралашмасидан ҳосил бўлган ранглар) босиқлик, мулойимлик, ғамгинлик белгисидир.

"Иссиқ" ранглар (қизил, сариқ ва бошқалар) эса куч, ҳукмронлик, чаққонлик ва хурсандчилик белгисидир. Қайси рангни ёқтиришингиз ва ёқтирмаслигингизга қараб, ўзингиз ҳақингизда хулоса чиқариб олаверинг.

Қизил ранг — эҳтиросларнинг рангидир. Бу рангни севувчилар жасур, иродали, одамлар устидан ҳукмронлик қилишни ёқтирадиган, жаҳли тез ва муомалага уста бўлади. Бу рангни ёқтирмайдиганлар эса жанжалга тоқати йўқ, ўзига ишонмайдиган, ёлғизликни севадиган, муносабатларнинг бир хил бўлишини хоҳловчи одамлардир.

Қовоқранг — олдиндан сезиш қобилиятига эга ва эҳтиросли орзуларга берилувчи инсонлар бу рангни севишади. Шу билан бирга улар иккиюзламачи ва шушомадгуй бўлишади.

Сариқ ранг —босиқ, одамлар билан эркин муносабатда бўладиган ва ақлли одамлар рангидир. Бу рангни севувчи одамлар муомалага уста, жасур, қизиқувчан, атроф-муҳитга тез мослашувчан бўлишади, одамларни ўзига тез жалб қилишади. Чуқур фикрловчи, пессимист, муомалага нўноқ бўлган одамлар бу рангни ёқтиришмайди.

Пушти ранг — ҳаётни севувчи, севиб-севилиб яшашни хуш кўрувчи, оққўнгил инсонлар рангидир. Улар таъсирчан ва арзимаган нарсаларга тез ҳаяжонланадиган одамлардир. Қаттиққўл инсонлар бу рангни ёқтирмайдилар.

Жигарранг — оиласини, миллий урф-одатларни қадрловчи, ўзига ишонган одамлар рангидир. Бу рангни ёқтирмайдиганлар эса худбин, ўзини севувчи, одамларга кўнглини очмайдиган, "иримдагини топ" дейдиган инсонлардир.

Яшил ранг — умид ранги. Келажагига ишонган, тиришқоқ, тартибли ва қайсар одамлар бу рангни ёқтирадилар. Бундай одамлар дангалчи бўлиб, ҳаммани ҳам ўзига дўст қилавермайдилар, одамларга тез мослаша олмай, танқид қилишни хуш кўрадилар.

Кўк ранг — осмон ранги бўлиб, уни севувчи инсонларнинг қалби тозадир. Бундай одамлар камтарин, ғамгин, босиқ бўлиб, одамлар билан ўзаро муносабатга ва ҳамкорликка интилади. Бу рангни ёқтирмайдиганлар эса ўзини кўрсатишни, ҳамма нарсадан ўзини устун қўйишни ёқтирадиган одамлардир. Аслида эса улар ўзига ишонмайдилар.

Оқ ранг — ҳамма ранглар асоси бўлиб, орзулар ранги ҳисобланади. Бу ранг одамнинг озодалиги, тартиблилигидан далолат беради.

Қора ранг — бу рангни севувчи одамлар ҳаётни тушкун кайфиятда кўришади, ўз-ўзига ишонмайди, ич-ичидан ўзини бахтсиз ҳисоблайди, чунки орзулари ушалишига ишонмайди. Лекин қора рангни бошқа ранглар билан алмаштириб турадиган кишининг кайфияти ўзгарувчандир.

Кулранг — бу рангни ёқтирадиганлар чуқур фикрловчи, бировларга ишонмайдиган, тез аразловчи, қарор қабул қилишдан олдин кўп ўйлайдиган одамлар ҳисобланади. Бундай одамлар ҳис-туйғуларини жиловлай оладилар. Одамлар билан муло-қотга киришишдан кўра, "соя"да қолишни афзал кўришади.

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА

СИЗ ЧИДАМЛИСИЗ

Буни берилган 15 та саволга жавоб берганингиздан кейин биласиз. Жавоблар бир хилда бўлиши керак, яъни "ҳа" ёки "йўқ".

1. Сиз кимгадир бирор нарсани тушунтираётганингизда у сизни тушунмаса, сиз босиқ ҳолда яна бир марта тушунтириб бера оласизми?
2. Ўзингизга нимадир сотиб олмоқчисиз, лекин дўконда навбат катта, шу нарсани олишдан воз кечардингизми?
3. Эртага сиз учун жуда керакли ишни ҳал қилиш керак бўлса, кечқурун бемалол ухлай олармидингиз?
4. Почта қутисидан хатни олган заҳотиёқ ўқийсизми?
5. Орзу қилган нарсангизга етарли маблағ йиға оласизми? Биласизки ярим йилдан кейин сиз орзу қилган нарсани янги, янада яхшироғи чиқади. Ярим йил сабр қила олардингизми?
6. Врачи кўп кутиб қолсангиз жаҳлингиз чиқадими?
7. Кроссвордни ёки бирор топишмоқни топа олмасангиз жаҳлингиз чиқадими?
8. Тартибли, қатъиятли ўртоғингизни, уйдан ташқарида кутиш керак бўлса-ю, у вақтида келмаса ярим соат кута оласизми?
9. Сабр-тоқат талаб қиладиган қизиқишингиз борми?
10. Сизга атрофингиздагилар жуда секин ишлаётгандек туюладими?
11. Агар танишингиз ўзининг сафари тўғрисида жуда узоқ гапирса, уни охиригача тинглайсизми?
12. Агар дўконда кимдир сиздан олдин навбатсиз нарса олиб кетса, жаҳлингиз чиқадими?
13. Телевизорда тасвир пириллаб, тез-тез ўта бошласа ўзи тузалишини кутасизми?
14. Телефон буткасининг олдида 10 минут кўпроқ гаплашаётган киши олдида индамасдан, бемалол тераверасизми?
15. Бу тест ва саволларга жавоб беришдан аввал, унинг жавобларига қарадингизми?

Жавобларни ҳисобланг. Ҳар бир "ҳа" жавобини 1 баллдан қуйидаги жавобларга ҳисобланг: №1, 5, 8, 9, 11;12; 13; 14; ва ҳар бир "йўқ" жавобига: 0 балдан белгиланг; № 3, 4, 6, 7, 10; 15.

11-15 баллар

Сизнинг чидамлилигингиз ҳайратга соларли даражада. Лекин қуйидагиларга диққат қилинг. Ҳар қандай меъёрдан чиқиш зарарли. Ўйлаб кўринг, сиз жуда ҳам бефарқ эмасмиксиз, секин фаоллик ва ташаббускорлик сизга ҳалақит бермас эди.

5-11 баллар

Сизни табриклаймиз! Сиз ўз олдингизга қўйган мақсадни эгаллаш учун керак бўлган чидамлиликка эгасиз: Сиз каби одамлар ҳақида: "чидамли, ҳамма нарса устидан ғалаба қилади", деб айтадилар.

5 баллдан кам

Сиз жуда ҳам сабрсизсиз. Агар маълум бир хулосалар қилмасангиз, ҳаётингизда катта қийинчиликларга дуч келасиз.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Сирожиддин Мажидхон ўғли Хабировнинг номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ООО "Зийрак автомобилчи" томонидан 4.04.2001 йилда №0006665 рақамли берилган лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 21-ўрта мактаб томонидан Юнусов Бахтиёр Каримович номига берилган ORZ-332592 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗИДАН СЎЗИ ҚИЗИҚ

Хотинларнинг ўзаро суҳбатидан: "Кула-кула ўлибмиз".

* * *

Ғийбатчининг ҳасрати:

—Бировларнинг кўзидаги чўпни кўрадилар-у, ўз кўзларидаги ходани пайқамайдилар.

* * *

Сотувчининг харидорга дегани:

— Каттақўрғоннинг донаси оғизга сиғмайди.

* * *

Маҳалла йиғинидаги суҳбатдан:

—Наҳотки, ўша қилтириқдай почча шундай ҳайбатли аммани калтакласа?

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

КУЛГИ БЕКАТИ

Кинода ёнма-ён ўтирган икки қиз тинмай гаплашарди. Орқа ўриндиқдаги томошабиннинг диққати ошиб деди:

— Кечирасизлар, мен ҳеч нарса эшитмаяпман.

— Биз ҳам сизга гапираётганимиз йўқ, яхши йигит,— жеркиб берди қизлардан бири.

* * *

— Ойи, нега сочингиз оқараяпти? — сўради бола.

— Болалари гапига қулоқ солишмаса, оналарининг сочи оқараверади.

— Шунинг учун ҳам бувимларнинг сочлари оппоқ экан-да?

ТАРИХ БОШҚОТИРМАСИ

Шаклда "занжир" ҳолида:

1.Истеҳкомли баланд қўрғон. 2.Шаҳрисабз шаҳрининг иккинчи номи. 3.Абулқосим Фирдавсий қаламига мансуб асар. 4.Оташпарастлар топинадиган олов. 5.Амир Темур аскарий қисмларининг 10 кишилик бўлинмаси. 6.Ёзув тахтаси. 7."Қутадғу билиг" муаллифи сазовор бўлган унвон. 8.Ҳижрий йил ҳисобидаги саккизинчи ой. 9.Моваройннаҳрнинг Оврўпача таржимаси. 10.Қадим юнон алломаларидан бирининг шарқона номи. 11.Астрономик асбоб. 12.Темурийлар даврида ҳашар солиғи. 13.Самарқанддаги кўҳна майдон. 14.Қарши шаҳрининг ўтмишдаги номи. 15.Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари. 16.Бухоро амирлигида қишлоқ ёки шаҳардаги маҳалла оқсоқоли. 17.Оғирлик ўлчов бирлиги. 18.Машҳур тарихчи олим Хондамирнинг тахаллуси. 19.Вақт ўлчов бирлиги. 20.Юз минг. 21. "Ё Ватан, ё шарафатли ўлим!" дея она Ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлган қаҳрамон. 22.Сирдарёнинг қадимий номи. 23.Абу Райҳон Берунийнинг математикага оид асари. 24.Ўн икки мақом таркибидаги. 25.Шўъбанинг бири. 26.Қадимда олий илм даргоҳи. 27.Парфия давлатининг асосчиси. 28.Тошкентда XVIII асрда бунёд этилган тарихий обида. 29.Душманни бир ўзи тор-мор келтирган миллий-афсонавий қаҳрамонимиз. 30.Икки сайёранинг бир-бирига яқин келиш ҳодисаси. 31.Х аср олими, "Бухоро тарихи" асарининг муаллифи.

Бошқотирмани ҳал этгач, шаклда нуқта билан белгиланган ҳарфларни шакл марказидаги рақамларнинг ўрнига мос равишда қўйинг. Унда биринчи ўзбек тарихчи аёлининг исми келиб чиқади.

Тузувчи: Азизжон ЭРМАТОВ,
Фарғона вилояти



Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —22-59-31
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-36-22 — 27-45-22

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 136-54-62, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Нормурод МУСОМОВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ